

Маъмурий Мажбурлаш Чоралари Ва Уларни Қўллаш Тушунчаси

Инагамова Мафура Мухтархановна¹, Алланазаров Сухроббек Комил ўгли²

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эга бўлган кунидан буён жамиятимизда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида улкан ўзгаришлар, ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш борасида ҳам улкан ўзгаришлар, ислохотлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М. Мирзиёев такидлаганидек “Жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимидир”⁴ ³деб бежизга айтмаганлар.

Албатта ҳар бир фаолиятни ташкил этиш, олиб бориш ҳамда такомиллаштиришда қонунийлик муҳим ва ажралмас ўринни эгаллайди. Қонуннинг устуворлиги шундаки, у ҳуқуқий давлатда тўла амал қилинади. Ҳуқуқий кафолатсиз, биз барпо қилишга интилаётган шахсий ва иқтисодий эркинлик жамиятини тузиб бўлмайди. Мамлакатимизда қўрилаётган амалий чоралар туфайли давлат томонидан қонунийликни таъминлаш воситаси тобора ишончли бўлиб бормоқда.⁴⁵

Бизга маълумки, давлат ва ҳуқуқ назариясида “қонунийлик” тушунчаси икки хил, яъни кенг ва тор маъноларда талқин қилинади. Кенг маънода қонунийлик давлат томонидан аҳолининг бажариши талаб қилинадиган қонун-қоидаларни билдиради. Буларга давлат томонидан чиқарилган ва амалда бўлган конституцион ва бошқа қонунлар, барча норматив ҳуқуқий ҳужжатлар киради. Тор маънода эса, қонунийлик давлат органларининг иш фаолиятида қонунларга ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиш зарурлигини билдиради.

Қонунийликни амалга ошириш учун барча ҳуқуқий нормаларни бажариш, қонун бузилишининг олдини олиш, улар бузилган ҳолларини аниқлаш, уларни бузган кишиларга нисбатан турли интизомий, маъмурий, фуқаровий ва жиноий жазо чораларини қўллаш, қонунийликни таъминлашнинг асосий ҳуқуқий кафолатларидандир.

Мажбурлов - бу бўйсинувчи субъектнинг иродасини рад этиш ва унинг хулқ-атвориغا ташқи таъсир кўрсатиш ҳисобланади. Ўрнатилган тартибнинг (кўрсатманинг) бажарилмаганлиги сабабли, ҳокимият субъектининг иродаси бузилади. Ҳокимият субъекти иродасини қайта тиклаш ва бўйсинувга эришиш мақсадида, иккинчи субъектнинг иродасига ахлоқий, мулкӣ, ташкилий, жисмоний таъсир кўрсатилади.

Мажбурлов орқали – ҳуқуқ тартибот, мулкчилик, фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари, оммавий ҳокимиятнинг нормал фаолият юритиши таъминланади.

Мажбурлов - ҳокимиятни амалга оширишнинг асосий усулидир.

Жамиятда мажбурловнинг турли қўринишлари мавжуд бўлиб, таъсир этиш объектига қараб: руҳий, моддий, ташкилий ва жисмоний таъсир этишга бўлинади. Масалан, шахсга, унинг мулкига қаратилган таъсир этиш – *жисмоний*, ишдан бўшатиш, ҳуқуқдан маҳрум этиш,

¹ Тошкент давлат транспорт университети доценти

² Тошкент давлат транспорт университет талабаси

⁴ Қаранг.Ш.М.Мирзиёевнинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси тўғрисидаги 2022 йил 28 январь кундаги 60-сон фармони

⁵ Қаранг: А.Саидов, У.Тожихонов Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т., „Адолат“ 2001. 281-б.



ташкилотни тугатиш – *ташкилий* таъсир этиш ҳисобланади. Лекин мажбурловнинг бундай турларга бўлиниши шартлидир.

Мажбурлов чоралари ҳуқуқнинг индивидуал субъектларига ҳам, жамоа субъектларига ҳам қўлланилиши мумкин.

Мажбурлов чораларини юрдик табиатига кўра *қонуний* ва *қонунга зид* чораларга бўлиш мумкин. Қонуний мажбурлов чоралари – ваколатли давлат органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Қонунга зид мажбурлов, масалан, бошқа давлатларнинг агрессияси, ўзга ҳудудни босиб олиши, ташқи тазйиқ ва бошқаларда намоён бўлиши мумкин. Мамлакат ичида эса ҳокимият тузилмаларининг мансаб суистеъмолликлари, ваколат доирасидан четга чиқиш, мансабдор шахсларнинг хизмат вазифаларига совуққонлик билан қарашида ифодаланиши мумкин.

Мажбурлов чоралари, ҳуқуқшуносларни, биринчи навбатда ҳуқуқ тартиботни таъминлаш ва давлат фаолиятининг маълум бир усули сифатида қизиқтиради. Ҳуқуқшунослик фани ҳуқуқий меъёрлар асосида қўлланиладиган ҳамда оммавий ҳокимият кўрсатмаларига риоя этилишига олиб келадиган *ҳуқуқий мажбурловни* ўрганади.

Ҳуқуқий мажбурлов:

биринчидан, инсонларнинг қонунга зид, жамият учун зарарли бўл-ган хулқ-атвориға нисбатан давлат органларининг таъсири сифатида намоён бўлади. Мажбурлов чоралари – ҳуқуқий актларда ифодаланган ирода билан уни бузган шахснинг индивидуал иродаси ўртасидаги қарамақаршилиққа асосланади. Агар, қонун талабларини бузадиган ҳаракатлар содир этилмаса, мажбурлов чоралари ҳам мавжуд бўлмайди. Айнан шу ерда ҳуқуқий меъёрнинг чегараси намоён бўлади. Штатнинг қисқариши муносабати билан ишдан бўшатиш, ижтимоий эҳтиёжлар учун ерни олиб қўйиш, соғлиғини йўқотган шахсни автомобиль транспортини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш, фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш эркинлигини чеклаш ва ҳ.к.лар инсонларга салбий оқибатларни келтириб чиқаришига қарамасдан, мажбурлов чоралари ҳисобланмайди. Ҳар қандай “нохуш” оқибат ҳам, юридик актларда ифодаланган бўлишидан ва шахсларнинг онгли ҳаракатларидан келиб чиққанлигидан қатъи назар, мажбурлов чораси ҳисобланмайди.

Иккинчидан, қонун меъёрлари талабларини бузган ҳуқуқнинг аниқ субъектиға нисбатан қўлланилади. Бу - субъектнинг хулқ-атвориға ташқи таъсир кўрсатиш бўлиб, ҳуқуқий кўрсатмаларни бажаришга мажбур қилади, янги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўймайди, айбдорни ва ўраб турган муҳитни тарбиялашга хизмат қилади.

Учинчидан, юрисдикциявий, ҳуқуқни қўллаш актлари орқали амалга оширилади.

С.С.Алексеевнинг кўрсатишича, ҳуқуқий меъёрларнинг ўзи, фақатгина мажбурлов имкониятини назарда тутаяди. Ҳақиқатда эса, ҳуқуқий тартибга солишнинг ҳокимият мажбурлов хусусияти – ҳуқуқни қўллаш актларида ифодаланади⁶.

Тўртинчидан, ҳуқуқ асосида қўлланилади. Ҳуқуқий меъёрлар - қандай чоралар, қанақа шароитларда, ким томонидан ва қандай тартибда амалга оширилишини белгилаб беради.

Қонунчилик ҳужжатлари билан ҳокимият органлари томонидан қўл- ланиладиган мажбурлов чораларининг асослари ва хусусиятлари ўрна- тилади. Қонуний асослар мавжуд бўлганда қандай мажбурлов чоралари ва қандай тартибда қўлланилиши меъёрий тартибда ўрнатилади. Мажбур-лов чораларини қўллаш жараёнини, мажбурлов субъектлари доираси ва уларнинг компетенциясини ҳуқуқий тартибга солиш катта аҳамиятга эга.

Мажбурлов таъсирини кўрсатиш жараёни ҳуқуқ билан ўрнатилади ҳамда фуқаролар ва ташкилотлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим қафолатларини шакллантиради.

⁶ Алексеев С.С., Кармолицкий А.А., Козлов Ю.М. Административное право. Учебник. – М., 1996. – С. 264.



Ҳар қандай мажбурлов чорасини - ҳуқуқ меъёри билан рухсат этилган шахснинг мақомини ўзгартириш маъносида тушуниш лозим. Ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар, фақатгина ҳуқуқий доирада, мажбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқига эга бўлади.

Бешинчидан, ҳуқуқий мажбурловни тартибга солишда давлат “монополияси” мавжуд.

Давлат қайси органлар томонидан, қандай тартибда ва қандай мажбурлов чораларини қўллашини тартибга солувчи ҳуқуқий актларни қабул қилиш ваколатига эга. Мажбурловнинг махсус аппаратига эга бўлган давлатгина, фуқароларга ва ташкилотларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаши мумкин.

Давлатнинг ҳуқуқий меъёрлари асосида фуқаролар ва нодавлат ташкилотларига ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилади, шунингдек, маҳаллий ва хусусий ташкилотларга – интизомий мажбурловни қўллаш ҳуқуқи берилади.

Россия Федерациясида давлатнинг мажбурлов чораларини⁷⁶ қўллаш ҳуқуқи, масалан маъмурий-ҳуқуқий мажбурловнинг айрим чоралари, маҳаллий ташкилотларга (халқ дружиначилари) ва баъзи бир жамоат ташкилотларига (жамоат инспекциялари) берилиши мумкин.

Нодавлат ташкилотлари ва фуқаролар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, давлат кўрсатмасига биноан ва давлатнинг бевосита назорати остида мажбурлов чораларини қўллашлари мумкин.

Давлатда ҳуқуқнинг аҳамиятини инкор этиш ижтимоий онга салбий таъсир кўрсатади. Фуқароларнинг онгли равишда қонун талабларига амал қилишлари ҳамма интилиши зурур бўлган фазилат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон беқиёс маданий ва маънавий ўсишни ўз тараққиётининг асоси деб билмоқда. Шу ҳолдагина инсоннинг ўзи ихтиёрий равишда халқ, давлат, жамият, оиласи олдидаги маъсулиятни тушуниб етади. Шариатда ҳам қонунга итоат ахлоқий меъёр ҳисобланган.

Давлат бошқаруви субъектлари қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, интизомни сақлаш мақсадида қўллаши мумкин бўлган давлат мажбурлов чораларидан бири бўлган ҳуқуқий мажбурлов ҳамаҳамиятлидир.

Маъмурий мажбурлов давлат мажбурловининг муҳим таркибий қисми сифатида маъмурий ҳуқуқ нормаларига мувофиқ қўлланиладиган ҳуқуқий мажбурлов туридир.

Юридик адабиётларда “маъмурий мажбурлаш” ибораси талқинига оид бир неча ёндашувларни учратиш мумкин. Маъмурий мажбурлашга энг аввало, маъмурий-ҳуқуқий нормалар билан мустаҳкамланган ҳуқуқий мажбурловнинг соҳавий тури сифатида қаралади.

Ҳуқуқий тизимнинг алоҳида тармоғи сифатида маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш предмети нуқтаи назаридан маъмурий мажбурлаш давлат бошқарувини амалга оширишда жорий этилади.

Маъмурий мажбурлов чораларини маъмурий қонунчиликда мустаҳкамланганлигини инобатга олган ҳолда, ушбу мажбурлов турини тартибга солувчи нормалар маъмурий ҳуқуқнинг мустикал ҳуқуқий институти – маъмурий-ҳуқуқий мажбурлов институти сифатида ҳам эътироф этилади.

Бу борада маъмурий ҳуқуқ луғатида маъмурий мажбурлашга қуйидагича таъриф берилган “*Маъмурий мажбурлаш* - жамиятнинг ҳаётий фаолиятида (жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги, рухсат бериш тизими, санитария, ёнғин хавфсизлиги ва б.) ижтимоий нормалар ва қоидаларни бажариш мақсадида ижроия ҳокимияти соҳасида жисмоний ва юридик шахсларнинг муносиб хулқ-атворда бўлишини мажбурий таъминлаш усули”.

Мазкур таърифдан кўриниб турибдики, маъмурий мажбурлашнинг алоҳида белгиларидан бири уни ижроия ҳокимияти соҳасида қўлланишидир.

⁷ Алехин А.П., Кармолицкий А.А., Козлов Ю.М. Административное право. Учебник. – М., 1996. – С. 264.



Шу билан бирга, маъмурий ҳуқуқ фанида ижро этувчи ҳокимият давлат ҳокимият органларининг тизими сифатида ифодаланади. Шу боис, маъмурий мажбурлашни ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг турли соҳаларида қўлланишини қайд этиш мумкин.

Бошқа бир юридик адабиётда маъмурий мажбурлашга қуйидагича тушунча берилган. “Маъмурий мажбурлаш – бу қонун ҳужжатлари билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилиш мақсадида, маъмурий ҳуқуқ нормаларида белгиланган тартибда давлат бошқаруви органлари томонидан, қонунда назарда тутилган алоҳида ҳолларда судлар томонидан қўлланиладиган давлат мажбуриятининг алоҳида туридир”

Ушбу тушунчада маъмурий мажбурлашнинг махсус белгилари сифатида уни қўлловчи субъектлар ҳамда мажбурий чораларни қўллаш тартибини белгиловчи нормаларни қайд этиш мумкин.

Маълумки, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ва Вазирлар Кенгашининг қарорлари, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари киради.

Ушбу маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўз олдига инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив қўриб чиқишини, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди⁸⁷.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун ушбу маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда қанақа маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланади.

Тегишли ваколатга эга бўлган органлар ва мансабдор шахслар маъмурий таъсир кўрсатиш хусусан маъмурий мажбурлаш чораларини ўз ваколатлари доирасида қўллашда қонун ҳужжатлари талабларига тўлиқ риоя этишлари шарт. Ҳар бир фаолиятда бўлгани каби ички ишлар органлари томонидан қўлланиладиган маъмурий мажбурлаш чоралари (ташкилий ҳуқуқий масалала-ри)ни қўллашда ҳам қонунийликни таъминлашнинг бир неча усуллари мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат:

➤ ваколатли юқори турувчи органлар ва мансабдор шахслар томонидан мунтазам назорат қилиб турилиши; прокурор назорати; фуқароларнинг шикоят бериш ҳуқуқи билан.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш ва маъмурий мажбурлаш чораларини қўллашда ички ишлар органларининг ҳодимлари қуйидаги қоидаларга доимо риоя этишлари шарт:

- маъмурий ишларни юритишни таъминлаш ва маъмурий мажбурлаш чораларини қонунда белгиланган тартибда қўллаш;
- ҳар бир ҳуқуқбузарлик моҳиятини содир бўлиш ҳолатларини ҳар томонлама ва диққат билан аниқлаш;

⁸⁷ А.Саидов, У.Тожихонов Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т., „Адолат“ 2001.



- маъмурий мажбурлаш чорасини қўллаш асосларини аниқ белгилаш;
- фақат қонунда белгиланган ва ички ишлар органлари фаолияти доирасидаги жазо бериш;
- жазо бериш чоғида ҳуқуқбузарлик ҳаракатини хусусиятини ҳуқуқбузар-нинг шахси унинг айбдорлик даражаси мулкӣ аҳволи жавобгарликни енгил-лаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш;
- қонунда белгиланган ҳолатларда тегишли ҳуқуқбузарликлар бўйича фуқороларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияларга, жамоат бирлашмаларига ёки меҳнат жамоалари- га кўриб чиқиш учун ишни бериш.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда ва маъмурий мажбурлашни тайинлашда ўз хизмат ваколатидан четга чиқиш ёки ҳуқуқий тартиботга тажовуз қилган шахсларга нисбатан қонунда белгиланган ваколати доирасида чора кўрмаслик қонунийликни қўпол равишда бузиш ҳисобланади.

Юқорида келтирилган маъмурий мажбурлаш тушунчасига оид фикрларни ҳуқуқшунос олим Н.Т.Исмоилов умумлаштириб, давлат мажбурловининг таркибий қисми ҳисобланган маъмурий мажбурлашнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтади:

- a) маъмурий мажбурлаш давлат бошқаруви соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилиш мақсадига эга давлат мажбурловининг алоҳида туридир. Маъмурий-ҳуқуқий нормаларда давлат органлари томонидан ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда қўлланиладиган кенг доирадаги мажбурий таъсир этиш чоралари белгилаган. Ушбу мажбурлов тури нафақат маъмурий-ҳуқуқий нормалар ва муносабатларни балки бошқа ҳуқуқ соҳаси (меҳнат, фуқаролик, ер ва б.) нормаларини ҳам кўриқлайди;
- b) маъмурий мажбурлаш давлат бошқаруви соҳасида ижтимоий муносабатларни ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш, шунингдек жамоат хавфсизлигини таъминлаш воситаси ва кафолати ҳисобланади;
- c) маъмурий мажбурлаш хизмат бўйсунуви доирасидан ташқарида функционал ҳокимият субъектлари томонидан амалга оширилади. Ушбу муносабатлар ташкилий бўйсунувнинг мавжуд бўлмаганида амалга оширилади;
- d) маъмурий мажбурлаш субъектлари фақат ваколатли давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари ҳисобланади, яъни маъмурий мажбурлаш субъектларининг кўплиги. Шунинг учун ҳам маъмурий мажбурлашга хос хусусиятдан бири судловдан ташқари тартибнинг ҳам қўлланилишидир;
- e) маъмурий мажбурий таъсир этиш нафақат алоҳида шахсларга, балки ташкилотлар жамоа субъектларига ҳам қўлланилади;
- f) маъмурий мажбурлаш маъмурий-ҳуқуқий ва маъмурий-процессуал ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади, уларда аниқ маъмурий мажбурлаш чораларини қўллаш тартиби ва асослари белгиланади. Айрим ҳолларда алоҳида чораларни (масалан, махсус маъмурий чеклаш чоралар) қўллашнинг норматив-ҳуқуқий тартибга солиниши тармоқлараро хусусиятга эга (масалан, пул маблағларини хатлаш фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солинади);
- g) маъмурий мажбурлаш чоралари жамоат хавфсизлигига ёки шахс ҳаётига таҳдид соладиган ҳолатларнинг юзага келиши, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши (ёки содир этилиши арафасида), шунингдек жиноятларнинг олдини олишда қўлланилади;
- h) маъмурий мажбурлаш чораларини қўллаш тартиби нисбатан оддийлиги билан фарқланади. Масалан, маъмурий-процессуал мажбурловда жиноий-процессуал мажбурловга қараганда ҳуқуқий чекловлар ҳажми камрок

Келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, маъмурий мажбурлаш – ҳуқуқий мажбурловнинг соҳавий тури сифатида ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларнинг содир этилиши



ёки жамоат хавфсизлигига ёхуд шахснинг хавфсизлигига таҳдид соладиган ҳолатларнинг юзага келиши муносабати билан, айбдор шахсларнинг юридик мажбуриятларини оғишмай бажаришини таъминлашга қаратилган маъмурий ва маъмурий-процессуал ҳуқуқ нормаларида белгиланган мажбурий таъсир чораларни функционал ҳокимият субъектлари томонидан қўлланиладиган давлат бошқаруви усулидир⁹.

Шунингдек, кодекснинг Яна бир қанча нормаларида маъмурий жазонинг турлари, асосий ва қўшимча маъмурий жазо чоралари, маъмурий жазо қўлланилишининг умумий қоидалари, тартиби ва муддатлари қайд этилган. Булардан ташқари, маъмурий мажбурлашнинг яна қуйидаги чораси, яъни

“Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари” деб номланган яъни МЖТК нинг 285-моддада “маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тузиш имкони бўлмаган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш, ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида мазкур шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туришга, шахсан кўриқдан ўтказишга, унинг Маълумки, инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаровий жамият куриш йўлидан борар эканмиз, бунда албатта фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини, давлат ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини назорат қилиш ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни содир этилишини олдини олиш, чеклаш каби долзарб масалалар барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар хусусан Ички ишлар органларининг устувор йўналишларидан биридир¹⁰.

Давлатимиз раҳбари ички ишлар соҳаси бошқарувидаги ислохотлар тўғрисида тўхталиб, ушбу соҳани моддий-техник жиҳатдан анча мустаҳкамлаш тадбирларини амалга ошириш билан бирга, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини, йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминловчи бўлинмаларни ислоҳ қилиш устида ишлаш зарурлиги таъкидлаб ўтган эди. Шу жиҳатдан ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи ҳамда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкни муҳофаза этишни таъминлашга, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини, шунингдек, атроф табиий муҳитни ҳимоя этишга қаратилган маъмурий мажбурлаш чораларининг ўрни бекиёсдир.

Бизга маълумки, давлат бошқаруви жараёнида маъмурий ҳуқуқбузарлик-ларни олдини олиш, чеклаш ва айбдорларни маъмурий жавобгарликка тортиш мақсадида кишиларнинг онгига ва хулқ-атворида руҳий, моддий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш маъмурий мажбурлашдир.

Республикаси конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси. 2017 – Постда. 2017, №50-сон.

Маъмурий мажбурлаш чоралари моҳиятига кўра давлатнинг, ҳуқуқий мажбурловнинг ўзига хос, алоҳида туридир. Маъмурий мажбурлаш асосан давлат бошқарув соҳасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солади ва муҳофазалайди. Мазкур чораларнинг мақсади, қўллаш тартиби ва асослари давлат томонидан ўрнатилади. Уларни ижро этиш ва фармоиш бериш фаолиятида ваколатли органлар ва мансабдор шахслар ижросини амалга оширади. Барча маъмурий мажбурлаш чоралари давлатнинг мажбурлов кучига таянади.

Маъмурий мажбурлаш чоралари ўзининг моҳиятига кўра қуйидаги ҳолатларга нисбатан қўлланади:

⁹ И.Исмаилов, ИИОларининг бошқарув ва ахборот таҳлил фаолияти. Дарслик Т.2020

¹⁰ Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий этишнинг мустаҳкам пойдевори. // 2017 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси. 2017 – Постда. 2017, №50-сон.



Биринчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни олдини олиш. Иккинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни чеклаш.

Учинчидан, қонун доирасида белгиланган ҳолатлар учун ҳуқуқбузарларни маъмурий жазолашда.

Ҳуқуқ фанида маъмурий мажбурлаш чораларнинг турларга таснифланиши бўйича олимларнинг куйидаги асосий нуқтаи назар, фикрлари мавжуд. Рус олимлари С.С.Студенкин ва Ц.А.Ямпольскаялар маъмурий мажбурловни икки турини, яъни маъмурий жазо чоралар ва маъмурий мажбурловнинг бошқа чораларини кўрсатиб ўтишади, шунингдек ушбу чоралар асосини маъмурий санкциялар ташкил қилишини қайд этишади.

Иккинчи фикр эса кенг тарқалган бўлиб, у олим М.И.Еропкин томонидан таклиф этилган бўлиб, у маъмурий мажбурлаш чораларини уч турга таснифлайди:

1. Маъмурий олдини олиш чоралари
2. Маъмурий чеклаш чоралари
3. Маъмурий жазо чоралари

Бизнингча, келтирилган иккинчи фикр маъмурий мажбурлаш чораларига қўйилган талабни тўлароқ қамраб олади ҳамда уларнинг моҳиятига кўра мантиқий тўғри таснифлангандир. Зеро, давлат бошқарув соҳасида мазкур бошқарув усуллар орқали бошқарилувчиларга таъсир этиш билан ижро этиш ҳокимияти функциялари амалга оширилади.

Ички ишлар органлари томонидан қўлланиладиган маъмурий мажбурлаш чораларининг аҳамияти, куйидагиларда ҳам намоён бўлади.

Биринчидан, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат куриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари сингари ички ишлар органлари ходимларининг ҳам тегишли вазифаларини ва истикболли режаларини тўғри белгилаб олишларига кўмаклашади. Чунки, қўлланиладиган маъмурий мажбурлов чоралари маъмурий ҳуқуқий муносабатларда, бошқарув соҳасида, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш каби соҳаларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни содир этилишини олдини олиш, чеклашда давлатнинг муҳим механизмидир.

Иккинчидан, фуқароларни ўрнатилган маъмурий қонунчилик, одоб, ахлоқ, хулқ-атвор жамиятда юриш-туриш қоидаларга сўзсиз амал қилиш ва риоя этишга йўналтириш, мазкур қонун-қоидаларни қўпол равишда бузиш ҳолатларига олиб келувчи сабаб ва шароитларни вужудга келиш ва ривожланиш қонуниятларини ўрганиш, тушуниб олиш ва тушунтириш ҳамда уларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш имконини беради.

Учинчидан, ички ишлар органларида маъмурий мажбурлов чоралар, аҳоли ўртасида ҳуқуқий профилактик чора тадбирларни амалга ошириш, ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий тарғибот ишларининг сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий жихатдан қўллаш воситасидир.

Тўртинчидан, амалдаги қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда фуқароларни қонунларга оғишмай риоя қилишида ва уларга ҳурмат руҳидаги муносабатда бўлишларини таъминлашга сафарбар этилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва мансабдор шахсларнинг қонунларни аниқ ва оғишмай ижро этишларида намоён бўлади.

Юқорида кўриб чиқилган маъмурий мажбурлаш чоралари кучли ҳуқуқий демократик давлат, инсонпарвар фуқаровий жамият куриш борасидаги ислохотларни амалга оширишда доимо давлат бошқарув соҳасидаги ижро этиш фармоиш бериш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, муҳофазаловчи ҳуқуқий таъсир этувчи зарурий воситалар йиғиндиси бўлиб қолади.

Шундай қилиб, хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Маъмурий мажбурлашни қўллаш фаолиятда қонунийликни таъминлаш энг аввало шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, маъмурий қонунчилик билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларни турли тажовузлардан



муҳофаза этиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш чеклаш уларни содир этилишига олиб келувчи сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда фуқароларни онгли интизомли бўлиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш демакдир.

